

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ГИЛОС ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ТУР ТАРКИБИ, ТАКСОНОМИК ТАВСИФИ ВА АСОСИЙ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИ

Туфлиев Нодирбек Хушвактович, лаборатория мудир, к.х.ф.д., профессор,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти,
Холмирзаева Зулфизар Баҳодиржонова, ассистент,
Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялар институти.

Аннотация. Ушбу мақолада Фарғона водийси шароитида гилос агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби аниқланган. Уларнинг таксономик тавсифи батафсил ёритилган ҳамда асосий доминант турлари аниқланган.

Калит сўзлар: Гилос агробиоценози, синф, туркум, оила, тур, гилос зараркунандалари, Олча шиллиқ арракаши, Кулранг куртак узунбуруни.

Аннотация. В данной статье определен видовой состав вредителей, встречающихся в агробиоценозе вишни в условиях Ферганской долины. Подробно разъяснено их таксономическое описание и выделены основные доминирующие виды.

Ключевые слова: Вишневый агробиоценоз, класс, род, семейство, вид, вредители вишни, Вишнёвый слизистый пилильщик, Серый долгоносик почковый.

Annotation. In this article, the species composition of pests found in the agrobiocenosis of cherries in the conditions of the Ferghana Valley is determined. Their taxonomic description is explained in detail and the main dominant species are identified.

Key words: Cherry agrobiocenosis, class, genus, family, species, cherry pests, Cherry slime saw fly, Bud weevil.

Боғдорчилик қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоғи бўлиб, мева ва резавор мевалар таркибида инсон организм учун зарур бўлган глюкозалар, органик кислоталар, оксидлар, мойлар, витаминлар, минерал тузлар, пектин, ферментлар, коллоидлар ва бошқа моддалар мавжуд [1].

Боғ ва тоқзорлардан юқори ҳосил олиш учун бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш зарур ҳисобланиб, кўчатларни қаровсиз ташлаб қўйиш, яъни бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга қарши ўз вақтида курашмаслик аянчли оқибатларни келтириб чиқаради [2].

Фарғона водийси шароитида гилос агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркибини ўрганиш учун 2020-2022 йиллар мобайнида Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларининг гилос етиштириладиган боғларида ҳамда аҳоли томорқа хўжаликларида йўналишли кузатувлар олиб бордик. Ўтказилган тадқиқотлар асосида тўпланган маълумотлар таҳлили натижасида Фарғона водийси шароитида гилос агробиоценозида 2 та синф, 7 та туркум ва 17 та оилага мансуб 22 турдаги зараркунандалар аниқланди.

Ўргамчаксимонлар (*Arachnoidea*) синфи, каналар (*Acariphormes*) туркумининг ўргимчакканалар (*Tetranychidae*) оиласига мансуб 2 тур оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.) ва боғ ўргимчакканаси (*Schizotetranychus pruni* Oudms.) ҳамда қўнғир мева канаси (*Bryobiidae*) оиласига мансуб бир турдаги қўнғир мева канаси (*Bryobia redikorzevi* Resk.) тарқалган.

Шунингдек, ҳашаротлар (*Insecta*) синфига оид 6 та туркум жумладан, тенг қанотлилар (*Homoptera*) туркумининг 3 оилага мансуб 3 турдаги зараркунанда яъни цикадалар (*Cicadinea*) оиласига мансуб кичик кўк цикада (*Empoasca meridian* Zachv), қалқондорлар (*Diaspididae*) оиласига

мансуб калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus* Comst.), кокцидлар (*Pseudococcidae*) оиласига мансуб комсток кўрти (*Pseudococcus comstocki* Kuw.)лар тарқалганлиги аниқланди.

Пардақанотлилар (*Hymenoptera*) туркумининг 1 оилага мансуб 1 турдаги зараркунанда яъни ҳақиқий арракашлар (*Tenthredinidae*) оиласига мансуб олча шиллиқ арракаши (*Caliroa cerasi* L.)нинг зарари юқори, деб баҳоланиб, доминант зараркунанда тур сифатида қайд этилди.

Ярим қаттиққанотлилар ёки қандалалар (*Hemiptera*) туркумининг 2 оилага мансуб 2 турдаги зараркунанда яъни миридлар (*Miridae*) оиласига мансуб ўткир елкали қандала (*Carpocoris coreanus uranus*), доира тўрлилар (*Tingidae*) оиласига мансуб нок қандаласи (*Stephanitis puri* F.)нинг тарқалганлиги аниқланди ҳамда зарар келтириш даражаси ўртачадир.

Қаттиққанотлилар (*Coleoptera*) туркуми гилос агробиоценозида энг кенг тарқалган туркум ҳисобланиб, 5 оилага мансуб 8 турдаги зараркунанда яъни чертмакчилар (*Elateridae*) оиласига мансуб Туркистон чертмакчиси (симкурт) (*Agriotes meticulosus* Cond), мўйловдор қўнғизсимон чертмакчи (сохта симкурт) (*Clon cerambycinus* Sem.) турлари, бронза қўнғизлар (*Cetoniinae*) оиласига мансуб турон буғусимон қўнғизи (*Epicometis turanica* Reitt.), яшил бронза қўнғизи (*Potosia marginicollis* Pall.), чўтир бронза қўнғизи (*Oxythyrea cinctella* Schaum)нинг учраши кузатилиб, зарарлилик даражаси кам зарарли деб баҳоланди. Аммо ушбу туркумга кирувчи бузоқбош қўнғизлар (*Melolonthae*) оиласига мансуб май бузоқбоши (*Melolontha hypocaustani*), найўрарлар (*Attelabidae*) оиласига мансуб олча филчаси (*Rhynchites auratus* Scop.)нинг учраш даражаси ўртача деб баҳоланди. Шунингдек,

**Фарғона водийси шароитида гилос зараркундаларининг тур таркиби
ва токсонимик ўрни (2020 – 2022 йиллар).**

Зараркундалар			
Синфи	Туркуми	Оиласи	Зараркундаларнинг номи
1	2	3	4
Ўргимчаксимонлар (Arachnoidea)	Каналар (Acariphormes)	Ўргимчакканалар (Tetranychidae)	Одий ўргимчаккана (<i>Tetranychus urticae</i> Koch.) Боғ ўргимчакканаси (<i>Schizotetranychus pruni</i> Oudms.)
		Қўнғир мева канаси (Bryobiidae)	Қўнғир мева канаси (<i>Bryobia redikorzevi</i> Resk.)
		Цикадалар (Cicadinea) Саратонлар (Cicadillidae)	Кичик қўж цикада (<i>Empoasca meridian</i> Zachv)
Ҳашаротлар (Insecta)	Тенг қанотлилар (Homoptera) кенжа туркумига (Aphidinea)	Қалқондорлар (Diaspididae)	Калифорния қалқондори (<i>Diaspidiotus perniciosus</i> Comst.)
		Кокцидлар (Pseudococcidae)	Комсток куртқи (<i>Pseudococcus comstocki</i> Kuw.)
		Ҳақиқий арракашлар (Tenthredinidae)	Олча шиллиқ арракаши (<i>Caliroa cerasi</i> L.)
	Пардақанотлилар (Hymenoptera)	Миридлар (Miridae)	Ўткир елкали қандала (<i>Carpocoris coreanus</i> uranus)
	Ярим қаттиқ қанотлилар ёки қандалалар (Hemiptera)	Доира тўрлилар (Tingidae)	Нок қандаласи (<i>Stephanitis puri</i> F.)
	Қаттиқ қанотлилар (Coleoptera)	Чертмакчилар (Elateridae)	Туркистон чертмакчиси (симқурт) (<i>Agriotes meticulosus</i> Cond) Мўйловдор қўнғизсимон чертмакчи (сохта симқурт) (<i>Clon cerambycinus</i> Sem.)
			Май бузоқбоши (<i>Melolontha hypocausti</i>)
		Бузоқбош қўнғизлар (Melolonthae)	Турон бугўсимон қўнғизи (<i>Epicometis turanica</i> Reitt.)
		Бронза қўнғизлар (Cetoniinae)	Яшил бронза қўнғизи (<i>Potosia marginicollis</i> Pall.)
			Чўтир бронза қўнғизи (<i>Oxythyrea cinctella</i> Schaum)
		Найўрларлар (Attelabidae)	Олча филчаси (<i>Rhynchites auratus</i> Scop.)
		Узунбурунлар (Curculionidae)	Кулранг куртак узунбуруни (<i>Sciaphobus squalidus</i> Gyll.)
	Икки қанотли ҳашаротлар ёки пашшалар (Diptera)	Олачипорлар (Tephritidae)	Гилос пашшаси (<i>Rhagoletis cerasi</i> L.)
	Капалаклар (Lepidoptera)	Гирдак куялар (Lyonetiidae)	Гирдак куя (<i>Cemiosoma scitella</i> Zell) Дўлана гирдак куяси (<i>Cemiosoma scitella</i> L.)
		Баргўрларлар (Noctuidae)	Шарқ мевахўри (<i>Grapholita molesta</i> Busck.)
		Ёғочхўрлар (Cossidae)	Ҳидли ёғочхўр (<i>Cossus cossus</i> L.)

ушбу туркумга оид (*Curculionidae*) оиласига мансуб кулранг куртак узунбуруни (*Sciaphobus squalidus* Gyll.)ни Фарғона водийсидаги деярли барча гилос боғларида учраш даражаси юқори эканлиги аниқланиб, зарар келтириш даражаси юқори доминант зараркундаларда деб белгиланди.

Икки қанотли ҳашаротлар ёки пашшалар (*Diptera*) туркумининг 1 оилага мансуб 1 турдаги зараркундалар яъни олачипорлар (*Tephritidae*) оиласига мансуб хавфли карантин зараркундалар тур ҳисобланган гилос пашшаси (*Rhagoletis cerasi* L.)нинг зарари Фарғона водийсининг Водил, Хўжабод, Булоқбоши, Қўрғонтепа каби чегара ҳудудларида тарқалганлиги қайд этилди.

Капалаклар (*Lepidoptera*) туркумининг 3 оилага мансуб 4 турдаги зараркундалар яъни гирдак куялар (*Lyonetiidae*) оиласига мансуб 2 турдаги гирдак куя (*Cemiosoma scitella* Zell) ҳамда дўлана гирдак куяси (*Cemiosoma scitella* L.) зараркундаларининг тарқалиши қисман қайд этилди. Шунингдек, ушбу туркумга оид баргўрларлар (*Noctuidae*) оиласига мансуб шарқ мевахўри (*Grapholita molesta* Busck.), ёғочхўрлар (*Cossidae*) оиласига мансуб ҳидли ёғочхўр (*Cossus cossus* L.)ларнинг учраши қисман қайд этилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Антонова О. Гилоснинг халқаро бозордаги ўрни // “Ширин мева” журнали. – Тошкент, 2021. №2 – Б. 9-11.
2. Матчанов Р.Д., Юлдашев А.И., Артемев В.П., Кушанов Л.А. Боғ ва тоқзорларни парвариш қилиш, уларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш бўйича «АГРОХИМ» ҚК томонидан янги қишлоқ хўжалик машиналарини яратишда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишланмалари / Республикада боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, маҳсулот сифати ва ҳосилдорлигини ошириш омиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: 2015. – Б. 162-168.

ТУТНИНГ СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ УСУЛНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Носирова Зарифахон Ғуламжоновна¹, доцент,
Қамбарова Мухтасархон Хақимжоновна², катта ўқитувчи,
Норқизилов Лазизбек Олим ўғли¹, магистрант,

¹Тошкент давлат аграр университети ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедраси,

²Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси.

Аннотация. Ушбу мақолада тутнинг сўрувчи зараркунандаларидан бузоқбоши қўнғизларининг зарари ва уларга қарши кимёвий усулда кураш олиб бориш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Калим сўзлар: сўрувчи зараркунандалар, бузоқбоши қўнғизлари, кимёвий препаратлар, биологик самарадорлик

Аннотация. В настоящей работе представлен анализ результатов опытов, проведенных по вредоносности долгоносиков к шелковицам, а также борьбы с ними с использованием химических методов.

Ключевые слова: сосущие вредители, хрущи, химические препараты, биологическая эффективность

Abstract. The analysis of experimental results carried out on damaging sucking pests of mulberry trees, namely, polyphylla and fight against ones using chemical method has been presented.

Keywords: sucking pests, polyphylla, chemical preparation, biological efficiency

Тут (*Morus alba*) кўчатларининг сўрувчи зараркунандалари кам сонли турдаги жонзотлар билан тавсифланади ва кўп сондаги олигофаг ва монофагларнинг кенг тарқалган турларини бирлаштиради.

Тут кўчатларида бузоқбошиларнинг фаунистик таркибининг шаклланишида фитогенез ва ва озуқа ўсимлигининг турли экологик шароитларга мослашиш йўллари намоён бўлади.

Тут кўчатларининг сўрувчи зараркунандалари илмий нуқтаи назардан ташқари яна амалий аҳамиятга ҳам эга. Ўзбекистонда тут кўчатлари асосан фақатгина янги ўсиб чиққан ва сифатли барглар билан озикланувчи ипак куртлари (*Bombyx mori*)нинг озуқа базасини таъминлаш учун уетиштирилади.

Мазкур ишда тут кўчатларини уетиштиришда бузоқбоши қўнғизларининг зарари ва уларга қарши қўлланилган кураш чоралари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

Эронлик ҳамкорлар [1] мазкур зараркунандаларга қарши энтомопатоген нематодалардан фойдаланишни тавсия қилишган ва аҳамиятга молик ижобий натижалар олинган. Яна бир мақола [2]да мазкур зараркунандага қарши замбуруғлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Доғистонлик ҳамкорлар [3] томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари тупроқ ости қаттиқ қанотли зараркунандаларининг агроэко тизимдаги роли ва ўрни келтирилган ҳамда уларнинг тур таркиби, систематикаси тадқиқ қилинган.

Кубанлик ҳамкорлар [4] шарқий май бузоқбошисининг Россия ўрмонлари учун хавфли зараркунандалик ролини таҳлил қилишган. Узоқ вақтлар мазкур зараркунанда муваффақиятли ўрмон экинлари яратиш учун асосий тўсиқ ҳисобланган. Шунга қарамадан бузоқбошининг оммавий кўпайишига эътибор қаратилмаган. Авваллари бузоқбошига қарши кимёвий усуллар таклиф қилиниб, кенг амалиётга ҳам татбиқ қилинган. Бу ҳол мазкур зараркунанданинг хавфлилиги даражасини пасайтиргандек туюлган, XX аср охирига келиб эса мутлақо эътибордан четда қолган. Натижада ҳозирги пайтга келиб бу зараркунанданинг ўчоғи шаклланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратилган, бироқ замонавий препаратлар ҳозирча синовдан ўтказилиб, амалиётга тавсия этилмаган.

Бошқа бир Россиянинг узоқ шарқи мутахассислари томонидан бузоқбошиларнинг 3 та турининг тарқалиши кўриб чиқилган [5] бўлиб, булар *Mimela testaceipes ussuriensis* S. Medvedev, *Hilyotrogus bicoloreus* ва *Holotrichia parallela* лар.

Ўрта Осиё худудларининг мевазор боғларида бузоқбоши қўнғизларнинг уч тури: зарарли бузоқбоши қўнғиз (*Polyphylla adspersa* Motsch.), уч тишли бузоқбоши қўнғиз (*Polyphylla tridentata* Reitt.) ва март бузоқбоши қўнғизи (*Melolontha afflicta* Ball.) зарар уеткади.

Тадқиқотлар 2021-2022 йиллар мавсуми мобайнида Андижон вилояти, Пахтаобод туманида ипакчилик билан шуғулланувчи бир қатор фермер хўжаликларининг очиқ дала-ларида олиб борилди. Бунинг учун тут кўчатларининг 2-йили парваришланаётган, бир-биридан 500-600 м масофада жойлашган, тахминан 1 гектарли майдонлар танлаб олинди. Тадқиқотлар бир нечта босқичларда ўтказилди.

1-босқич 2021 йил октябрь-ноябрь ойларида олиб борилди. Бунда 2 йил парваришланаётган тут кўчатлари экилган далаларда тупроқлардан намуналар олиниб, улардаги зарарли бузоқбоши қўнғизи миқдорлари қайд этилди. Зарарланиш кўрсаткичи ўртача 5-7 та курт/м² ни ташкил қилган. Бу куртлар тут кўчатлари илдизларини кемириб, қувватдан кетказган. Натижада парваришланаётган кўчатларнинг 15-20 % и қуриб қолиш даражасигача уетган.

Кейинги босқичда зараркунанда бузоқбоши куртларига қарши курашиш тадбирларини ўтказиш бўйича тажриба учун ажратиб олинган майдонлар 4 та қисм (вариант)га ажратилди. Булардан 1-вариант майдонига ҳеч қандай кураш чоралари қўлланилмади, яъни назоратда қолди. 2-вариант тут кўчатлари парваришланаётган майдонга эталон воситаси сифатида Karate 5% (R) эм.к. препарати (0,5 л/га сарф меъёрида), 3-вариант майдонига Дефектокс 2,5 %, эм.к. (0,5 л/га сарф меъёрида) ҳамда 4-вариант майдонига Децис 10 % эм.к., (0,3 л/га сарф меъёрида) препаратлари қўлланилди.

Бунда 2021 йилнинг ноябрь ойи охирида қўлланган ҳар 3 та препаратдан 10 л ҳажмдаги сувга 10 г дан аралаштириб ишчи эритма ҳосил қилинди ва далаларга трактор орқали 1 марта пуркалди. Шу бўйи кўчатлар эрта баҳор, яъни 2022 йилнинг март ойлари охирига қадар бошқа бирор бир ишлов берилмади.